*Bizdan ozod va obod Vatan qolsin!*

# SariOsiyo

*15 yanvar 2021 yil. Juma № 3 (7991)* Ijtimoiy-siyosiy gazeta *(Gazeta 1932 yildan «Sariosiyo haqiqati» nomi bilan chiqa boshlagan)*

## *2021 yil—Yoshlarni qo'llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili*

***Биз сизларнинг тимсолингизда миллий армиямизга тоғдек таянч бўлиб турган буюк маънавий кучни кўрамиз. Бугунги улуғ айёмда сизларнинг ҳам Ватанимизнинг мудофаа қудратини оширишда муносиб ҳиссангиз борлигини яна бир бор катта мамнуният билан эътироф этамиз.*** Шавкат МИРЗИЁЕВ

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИНИНГ ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЙИГИРМА БИРИНЧИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ



Халқ депутатлари туман Кенгашининг олтинчи чақириқ йигирма биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия кун тартибида еттита масала кўриб чиқилди. Дастлаб, туман ҳокими Ўктам Тўраев йиғилганларга кун тартибидаги масалалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Сенатнинг фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Иминов Одилжон Каримович ва Халқ депутатлари вилоят кенгаши котибияти мудири Абдураимов Сайдулло Бердишукуровични таништирди.

Шундан сўнг, туман ҳокими кун тартибидаги масалаларга тўхталди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятига доир намунавий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалар тўғрисида йиғилганларга ахборот берди.

Шунингдек, жорий йилдан бошлаб, депутатлар тумандаги корхона ва ташкилотлар иш режаларини бажарилишини назорат қилиши таклифини илгари сурди.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сариосиё туманидаги Халқ қабулхонаси мудири О.Жўрабекова Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонининг тумандаги ижроси бўйича ахборот берди. Шунингдек, туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда туман адлия бўлими ҳамкорлигида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари учун маърифий-сиёсий дарсларни ташкил этиш ва дарс жараёнида мамлакатимизда қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништириб бориш таклифини илгари сурди.

Қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан 2020 йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида туман прокурори Н.Азизовнинг ахбороти тингланди. Туман прокурори барча соҳалардаги ислоҳотлар, қабул қилинган қонунлар, қарор ва фармонлар ижросини ташкил этиш борасида ўтказилган тадбирлар натижасида:

-прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш орқали 699 нафар фуқаролар, шу жумладан, 284 нафар юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тиклангалиги;

-прокурор протестлари асосида 251 та ноқонуний ҳужжатлар бекор қилинганлиги ва 102 таси қонун талабларига мувофиқлаштирилганлиги;

-етказилган 728 млн. 429 минг сўмлик зарарни ундириш бўйича судларга 15 та аризалар киритилганлиги;

-ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида 236 нафар шахс огоҳлантирилиб, 38 нафари интизомий ва 69 нафари маъмурий жавобгарликка тортилганлиги;

-текширувлар ва жиноят ишлари тергови жараёнида 1 млрд. 816 млн. сўмлик зарарнинг ундирилиши таъминланлиги;

-975 нафардан ортиқ фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳал қилиниб, шундан 328 таси қаноатлантирилганлиги;

-кўпол қонун бузилиш ҳолатлари бўйича 16 та жиноят иши кўзғатилганлиги тўғрисида таъкидлади.

Кун тартибидаги бешинчи масала - Жиноятларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан туман ИИБ бошлиғи Ў.Мустафоқуловнинг2020 йил 4-чораги давомида амалга оширилган муайян ишлар ҳақидаги ҳисоботи тингланди.



Сариосиё туманидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудири А.Азимовнинг Секторлар ва ташкилотлар раҳбарларининг тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича фаолияти юзасидан ахбороти тингланди.

Кун тартибидаги еттинчи масала - Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан туман адлия бўлими томонидан амалга оширилган хуқуқий тарғибот ва маърифат ишлари тўғрисида туман адлия бўлими бошлиғи А.Шарипов ахборот берди.

Сессия якунида кўриб чиқилган масалалар юзасидан депутатларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари инобатга олинган ҳолда тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Сариосиё тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

## *14 январ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ*



## БАЙРАМОНА ТУҲФА

***ёхуд туманда замонавий харбий шахарча қурилиб. фойдаланишга топширилди***

Туман марказидан қарийб 50 км узоқликдаги «Богисамарқанд» маҳалласи ҳудудида Ўзбекистон Республикаси ДХХ Чегара Қўшинларига қарашли 9220 ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари учун барча қулайликларга эга ҳарбий шаҳарча қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жумладан, шаҳарчада муддатли ҳарбий хизматчилар учун кутубхона, маънавият ва маърифат хонаси, спорт зали ва сунъий қопламали майдон, ошхона, ётоқхона ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари учун 23 та хонадон, 25 ўринли МТТ ва шинамгина уйингоҳлар мавжуд.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат Хавфсизлик хизмати раҳбарияти, вилоят ҳокими, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Тўра Боболов, туман ҳокими Ўктам Тўраев, нуронийлар, туман Маданият бўлими ходимлари, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этдилар.

Давлат Хавфсизлик хизмати раиси Абдусалом Азизов ва вилоят ҳокими Тўра Боболов хонадонлар калити ҳамда қимматбаҳо совғаларни ҳарбий хизматчиларга топширишди. Шундан сўнг тадбир қатнашчилари ҳарбий шаҳарчада яратилган шароитлар билан танишдилар.

–Ҳарбий қисмимизнинг эски биносида шароитлар бироз огирроқ эди,–дейди хонадонлардан бирининг калитини олган ҳарбий хизматчи Шахобиддин Ашуров. - Ҳозирги уйимизни кўриб турибсиз, шаҳардагидек, барча шароитлар бор, фарзандларимиз таълим ва тарбия олишлари учун мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди. Энди оиламиздан кўнглимиз тўқ, сарҳадларимизни бор куч-ғайратимиз билан қўриқлаймиз. Президентимиздан миннатдормиз.

Эслатиб ўтамиз, Давлат Хавфсизлик хизмати раиси ҳамда вилоят ҳокимининг ҳарбий қисмга аввалги ташрифида улар томонидан ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароитлари қониқарли эмаслиги танқид қилинган эди. Ташрифдан сўнг, янги шаҳарча қуриш ишлари бошлаб юборилган.

Муродбек ДАВЛАТОВ



*Yoshlar ma`naviyatini yuksaltirish va ularning bo`sh vaqtini mazmunli tashkil etish bo`yicha 5 ta muhim tashabbus!*

**BIRINCHI TASHABBUS**

Yoshlarning **musiqa, rassomlik, adabiyot, teatr va san'at**ning boshqa turlariga qiziqishlarini oshirishga, iste'dodini yuzaga chiqarishga xizmat qiladi.

**IKKINCHI TASHABBUS**

Yoshlarni jismoniy chiniqtirish, ularning **sport** sohasida qobiliyatini namoyon qilishlari uchun zarur sharoitlar yaratishga yo`naltirilgan.

**UCHINCHI TASHABBUS**

Aholi va yoshlar o`rtasida **komp`yuter texnologiyalari va internet**dan samarali foydalanishni tashkil etishga qaratilgan.

**TO`RTINCHI TASHABBUS**

Yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish, ular o`rtasida **kitobxonlik**ni keng targ`ib qilish bo`yicha tizimli ishlarni tashkil etishga yo`naltirilgan.

**BESHINCHI TASHABBUS**

Xotin-qizlarni **ish bilan ta'minlash** masalalarini nazarda tutadi.

## МУҚАДДАС БУРЧ

Ватан–муқаддас макон. Уни ҳимоя қилиш, душманлардан асраш, равнақи ва фаровонлиги йўлида хизмат қилиш–ҳар бир инсон учун ҳам фарз ҳам қарз ва бир имонли, эътиқодли, ихлосли фарзанднинг муқаддас бурчидир.

Динимизда ҳам Ватанни ҳимоя қилиш ишига ўзини бахшида этиш энг улуг савобли амаллардан эканлиги айтилган. Бу тўғрида Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан шундай ҳадис ривоят қилинган: «Икки кўз эгасини дўзах оташи куйдирмас, бири–Аллоҳнинг азобидан қўрқиб йиглаган кўз, иккинчиси–Аллоҳ йўлида пойлоқчилик қилиб бедор бўлган кўз» (Имом Термизий ривоятлари).

Киндик қони тўкилган Ватанни, шу мустақил юртни кўз қорачигидай асраб-авайлаш инсон учун гўё ўз оиласини, шаънини, ор-номусини, имон-эътиқодини ҳимоя қилиш кабидир. Бу йўлда фидоий бўлган киши юксак мақомга етиши улкан ажрлар соҳиби бўлиши ҳақида башоратлар мавжуд бўлиб, Пайгамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар:

«Кимки Аллоҳ таоло йўлида бир кундуз ёки бир кеча чегара пойласа, унга бир ой кундузи (нафл) рўза тутиб, кечаси ибодат қилганлик савоби ёзилади. Кимки сарҳадни қўриқлаб турганда ҳалок бўлса, унга ҳам худди шундай ажру савоб мукофоти бўлади ва шаҳидлик мақоми берилиб, барча фитналардан омонда бўлади» (Имом Насафий ривоятлари).

Аллоҳ таоло мустақил юртимизни тинчлик ва омонликда, аскар ва зобитларимизни ўзининг ҳифзу ҳимоясида сақлаб, жаннатмакон диёримизни ёмон кўзлардан ва барча офатлардан омонда сақласин!

Ватан ҳимоячилари куни муборак бўлсин!

**А.АЛИМОВ,**
**туман Бош имом-хатиби**

## «ЗАМОНАВИЙ ҚАҲРАМОН»

Ҳозирги кунда миллий армиямиз бутун жамиятимизни, айниқса ёшларни ватанпарварлик руҳида ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда, уларнинг фаол ҳаётий позициясини, мамлакат келажаги учун маъсулият ҳиссини оширишда етакчи давлат институтига айланади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этиганлигини 29 йиллиги, ҳамда Ватан ҳимоячилари куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш, аҳолии орасида милллий армиядан фахрланиш ва унга бўлган ишонч ҳиссини ошириш, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини кучайтириш мақсадида «Замонавий қаҳрамон» уларнинг қилган ишлари, ҳаёт йўллари ҳақида билишлари келажакда уларга ўхшаган инсонлар бўлиб етишишлари учун самарали ишлар олиб борилмоқда. Шулардан бири «Замонавий қаҳрамонлари» захирадаги майор Эшов Ғайбулло Ҳабибуллаевич 1980 йил 29 январда Сариосиё туманида таваллуд топган. 1987 йил 1-синфга ўқишга қабул қилинади ва шу мактабни 1997 йил тамомлаб, 1998 йил Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги Чирчиқ олий танк муҳандислик билим юртига ўқишга қабул қилинади. 2002 йил ўқишни тамомлайди. 2002-2010 йилларда Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги 53943-ҳарбий қисмда ўз фаолиятини бошлаган. 2010-2013 йилларда Навоий шаҳридаги 3405-ҳарбий қисмда ишлаган. 2013 йил нафақага чиққан 2019 йилдан тумандаги 27-сонли мактабда чақириқга қадар бошлангич тайёргарлик фани раҳбари лавозимида фаолият юритмоқда.

Шундай экан, захирадаги майор Эшов Ғайбулло Ҳабибуллаевич бир сўз билан «Замонавий қаҳрамони» деб аташимиз мумкин.

**У.ҚУРБОНОВ,**
**Туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, подполковник**

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни–ўз умрини элу юртни ҳимоя қилишдек энг улуғ ва олижаноб ишга бағишлаган аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари ва умуман барча халқимизнинг байрами. Ушбу марду майдонлар байрамида жанговар постида доимо ҳушёр туриб, сарҳадларимизни кўз қорачигидек асраб келаётган садоқатли ўғлонларимиз, уларнинг ота-оналари, яқинлари, улуғ аждодларимиз–ватанпарвар инсонларга эзгу тилак, яхши ният, чуқур миннатдорчилик билдирамиз, албатта.**

## ТИНЧЛИК УЧУН

Бизнинг Миллий Армиямиз—маънавий, жисмоний, ақлий, руҳий қудратга эга бўлиб, дунё ҳамжамиятининг ўринли эътирофига сазовор булиб келмоқда. Ҳозирги кунда тезкор-стратегик бўғинда хизмат қиладиган офицерларимиз шаклланиб бўлди, Ахборот-коммуникация технологиялари ўзлаштирилди, тезкор ва жанговар тайёргарлик доирасида Қуролли Кучларимиз Марказий Осиёдаги ҳамкасблари билан биргаликдаги шериклик алоқаларини ўрнатдилар–тажриба алмашинувлари йўлга қўйилди.

Айтиш жоизки, миллий армиямиз қайта модернизация қилинган авиация таъмирлаш заводи ва ўқ-дорилар ишлаб чиқарадиган корхонасининг «маҳсулот»ларидан тўлиқ фойдаланмоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг машаққатли ҳаётларида халқимизнинг армиямиз билан бир тану бир жонга айлангани муҳим ўрин тутади. Қуролли Кучларимизнинг ютуғи шундаки, фарзандларимиз–ҳозирги ёш авлод миллий армиямиз сафида хизмат қилишни, олий маълумот олишни, тинчлигимиз давомийлиги, мустақиллигимизни асраб-авайлашни ўзлари учун шараф, ору номус иши, деб биладилар ва бунда юқори малакали ҳарбий кадрлар тайёрлашга катта аҳамият қаратилаётгани ҳам–бор гап.

Ватан ҳимоясига ўзининг билиму тафаккури, шижоатию матонатини бахшида этиб, ёшлиги, ҳузуру ҳаловатидан кечган мард ҳарбий йигитларимизнинг тинчлигимиз давомийлиги йўлидаги машаққатли, аммо шарафли фаолияти–таҳсинга лойиқ. Шундай экан, кечаги, бугунги ва келажак ўғлонларига, уларнинг ота-она, оиласига ва кўнгли осмон янглиғ она халқимизга Қуролли Кучларимиз ташкил этилганлиги ва Ватан ҳимоячилари куни муборак бўлгай! Бошингиз омон, юзингиз ёруғ, истиқлолимизу осойишталигимиз абадий бўлсин!

Нурмуҳаммад МАҲАМАТОВ,
тумандаги ҳарбий қисм командири, майор

*14 январ — Рӯзи химоятгарони Ватан*

# ҲИФЗИ ВАТАН–ВАЗИФАИ МУҲИМ!

*Зарраи хокат ба чашмон*
*тӯтиё хоҳам, Ватан,*
*Парчами пурифтихорат*
*бӯса бинмоям, Ватан.*
*Болу пар бикшодаам мисли*
*ҳазорон дар барат,*
*Гулбуни умеду ҳам маъвои*
*ободам, Ватан.*

Ҳар сол мардуми собитқадами мо ин санаи муборакро бо шукӯҳи нотакроре пешвоз мегиранд. Дарвоқеъ, аз он рӯзе, ки Ӯзбекистони азизи мо соҳибистиқлолиро ба даст овард, ин рӯз чун рӯзи Ҳимоятгарони Ватан муайян гардид ва ин рӯз дар кишвар санаи фархунда ҳисобида мешавад.

Ватан! Ин калимаи хеле шевою фараҳбахш мебошад. Он ҷое, ки мову шумо чашм ба дунё кушодаем ва баҳрамон оғӯши гарму нарми худро баҳри мо кушодааст, ин Ватани ободу озоди мо - Ӯзбекистон ба ҳисоб меравад. Ҳаққо, ки чунин аст. Ватан моро дар нахуст ба канор гирифт ва парвариш намуд. Барои он ки дар ҷомеа озода қадам гузорем, дари ҳамагуна имкониятҳоро бароямон боз намуд...

Метавон ин мавзӯъро бештар идома бахшид. Аммо ин ҷо хостем чанд фикри хешро оиди ҳифзи Ватан баён созем. Дарҳақиқат, мо дар кишваре зиндагонӣ менамоем, ки Ӯзбекистони офтобрӯя ном дорад. Ҳар чор фасли сол дар ин диёр пуробуранг буда, рӯз то рӯз ободу гул-гулшукуфон аст. Таърифу тавсифи онро аз забони мардумони кишварҳои гуногуни дунё низ шунидаем. Агар ҳамин тавр аст, пас ба андешаи мо бояд ҳар як нафар хоку марзи Ӯзбекистонро чун гавҳари чашм бояд ҳифз намояд.

Воқеан, ҳифзи Ватан, ҳимояи манфиати давлат, мактаби бузурги ҷасорату мардонагӣ ва далериву шуҷоат аст, ки ин вазифаи муқаддас ва пурифтихори на танҳо хидматчиёни ҳарбӣ, балки ҳар як фарди солимфикр ва бонангу номуси кишварамон, махсусан насли ҷавон мебошад. Барои ҳамин муҳимтарин мактаби обутоби ҳаёт барои ҳар як ҷавонмард ин хидмат намудан дар сафи Қувваҳои Мусаллаҳ мебошад. Маҳз дар ҳамин ҷо ҳар як ҷавони соҳиби ақлу хирад буда шуҷоату мардонагӣ омӯхта, муқаддастарин арзиши ҳаёт - дӯст доштан ва содиқона муҳофизат кардани хоки поки Ватани азизро ёд мегирад. Зеро дар сафи Қувваҳои Мусаллаҳ хидмат намудан қарзи виҷдон ва ҳаққи фарзандии ҳар як ҷавон мебошад.



Ба ин хотир ҳифзи Ватан яке аз вазифаҳои асосӣ ва муқаддаси конститутсионии ҳар як шаҳрванд мебошад, ки тибқи он Конститутсия вазифаи муқаддаси ҳар як шаҳрвандро оид ба ҳифзи Ватан, ҳимояи манфиати давлат, таҳкими истиқлол, амният ва иқтидори мудофиавии онро муқаррар намудааст.

Ба ҷои хулоса ҳамин нуктаро ҳам илова намуданием, ки месазад, ки чунин Ватани ҷаннатмаконро ҳамагон дӯст дорем ва ҳар як зарраи хоки онро ба чашмон тӯтиё бинмоем. Чунки ин Ватан, ин маъво, ин ошёни пурмеҳру садоқат кишвари Ӯзбекистони соҳибистиқлол мебошад. Ҳифз намудани марзу буми он бошад, шараф ва ифтихори ҳар як шаҳрванди он аст.

Ид муборак, ҳимоятгарони ҷасуру бебоки Ватан!

**Хадича ҲАКИМОВА,**
**омӯзгори мактаби рақами 67**



Бахшида ба 14 январ – Рӯзи ҳимоятгарони Ватан дар Ташкилоти таълимии томактабии рақами 20 таҳти шиори «Кӣ бо Ватан содиқ бошад, он ҳам манам» тадбири хотирмоне бо иштироки тарбиягирандагони гурӯҳи тайёрибинии кӯтоҳмуддат баргузор гардид.

Бояд гуфт, ки ин тадбир бо саъю кӯшиши тарбиячӣ Шоҳона Қаландарова баргузор гардид.

Тарбиягирандон бо сару либоси ҳарбӣ дар васфи Ватан ва ҳимоятгарон шеъру таронахонӣ намуданд. Инчунин аз ҳаёти аскарон саҳнаҳои ҷолиберо ба ҳозирин пешниҳод намуданд, ки хеле ҷолиб ба назар мерасид.

*Дар акс: лаҳзае аз ҷараёни тадбир.*

Мухбири худамон

# ВАТАН ҲИМОЯСИ

Сизу биз мусулмонларни улкан ажрусавобларга ноил қилувчи амал–Ватан ҳимояси муқаддас Ислом динимиз кўрсатмаларидан бири эканлиги бор гап. Айниқса, бугунги кунда дунёнинг кўп мамлакатларида содир бўлаётган қонли тўқнашувлар, ўзаро низо ва зиддиятлар, бегуноҳ инсонларнинг қурбон бўлаётгани, шаҳар ва қишлоқларнинг вайронага айланаётгани оқибатида минглаб оилалар уй-жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлаётгани ҳар биримизни муқаддас Ватанимиз ва динимиз, оиламиз ва халқимиз тинчлиги ва осойишталигини асрашга ўз ҳиссамизни қўшишлигимиз, мусулмонлик бурчимиз эканлигини англаб етишга ундайди.

Буюк алломаларимиздан бизларга мерос бўлиб қолган манбаларда Ватан учун қўриқчилик қилиш нақадар савоб иш эканлиги баён этилиб, ҳар бир инсонни ватанпарвар қилиб тарбиялайди.

Жумладан, ватандошимиз Ал-Фақиҳ Абу Лайс-Самарқандийнинг "Танбеҳул-Гофилин" номли китобларининг "Посбонлик фазилати" деб номланган етмишинчи бобида қўриқчилик ҳақида ушбу ривоят келтирилган.

Абдуллоҳ ибн Муборак Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан зикр қиладилар: Пайғамбар (с.а.в.) айтдилар: "Аллоҳ таоло қиёмат куни Сирот устидан шамол каби ўтадиган ҳисоб-китоб қилинмайдиган ва азобланмайдиган қавмларни тирилтиради". "Эй Расулуллоҳ, улар кимлар?" деб сўрашди. Набий (с.а.в): "Улар ўлимни қўриқчиликда топганлар", дедилар.

Яна бошқа бир ривоятда келтирилишича Абу Умома Бохилий (р.а.) Пайғамбардан (с.а.в.) ривоят қиладилар: "Тўрт кишига ўлганларидан кейин ҳам ажр оқиб келаверади: Аллоҳ йўлида чегарада посбонлик қилган ҳолда ўлган кишининг ажри, бир илмни ўргатган ва у илмга амал қилганларнинг ўргатувчига борадиган ажри; молидан садақаи жория қилган кишининг ажри; ортидан дуо қилувчи солиҳ фарзанд қолдирган кишининг ажри".

Кишининг вафодорлиги ва садоқати унинг ўз Ватани учун қайғуришидан, дўстларини соғинишидан ва умрининг зое кетказган лаҳзаларга ачиниб, ўкиниб яшашидан билинади, дейишган доноларимиз.

Мутафаккирларимиз "Ватанпарвар-ўз Ватани камолоти йўлида, ўз халқига муҳаббати туфайли моли, куч-ғайрати тугул, жонини ҳам аямайдиган, халқи ва Ватанининг озодлиги, фаровонлиги учун бор-будини фидо қилувчи инсондир" дейишган.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (а.с.) сизу бизларга таълим берганларки, «фарзандларингизга сузиш, камон отиш ва аёлларга касб-ҳунарни ўргатинглар».

Шунинг учун фарзандларимизга болалигиданоқ чавандозлик, мерганлик, сувда сузиш каби машқларни ўргатиб, она Ватанга, эл юртга садоқат руҳида улуғ ажддодларимиз каби имон-эътиқодли қилиб тарбиялаб, Ватанимиз тинчлигини асрабавайлашга ўз ҳиссамизни қўшишлигимиз барчамизнинг энг муҳим вазифамиздир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, она Ватанимиздек тинч-осуда юрт қайда бор. Буни АҚШ даги ижтимоий фикрни ўрганадиган нуфузли марказ "Қонуний тартибларга итоат этиш индекси" бўйича 2015 йилда ўтказган сўров натижалари ҳам тасдиқлади. Бизнинг мамлакатимиз бу сўровнома натижаларига кўра, 141 та давлат орасида тинч-осуда мамлакат сифатида 2-ўринни эгаллагани танлаган йўлимиз нақадар тўғри эканининг исботидир.

Юрагида Ватан ва халқ севгиси жой олган шижоатли фарзандларимиз юрт сарҳадларини ҳушёрлик ва сергаклик билан қўриқламоқдалар. Уларнинг бу бедорлик билан қилаётган ишлари нақадар савобли амал экани ҳақида жаноб Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деб марҳамат қилганлар: «Кечалари Аллоҳдан қўрқиб ёш тўккан кўзни ва Аллоҳ йўлида тунлари посбонлик қилиб, мижжа қоқмаган кўзни дўзах оташи куйдирмайди».

Орзуйимиз, ватанпарварлик инсонларнинг ҳақиқий эътиқодига айланиб, баркамол авлод онгига чуқур кириб жойлашсин. Чунки ёшлар Мустақил она Ватанимиз келажагидир.

**Оппоқхон ТЎРАҚУЛОВ,**
**"Эшонжон Ҳожи" жомеъ масжиди имом-хатиби**

# ТАЪТИЛ — СПОРТ БИЛАН ЯНАДА МАЗМУНЛИ

Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунлари ҳамда «Аэропорт» маҳалласида яшовчи уюшмаган ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказилиш мақсадида 6 январь куни Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси вилоят бўйича бошқармаси, вилоят Қўриқлаш бошқарма бошлиги ўринбосари майор Зафар Оқбўтаев ҳамда туман ҳокимлиги ҳамкорлигида 2-сонли мактабда спорт беллашувлари ташкиллаштирилди.

Дастлаб, Миллий гвардия хизматчилари томонидан қўл жанги усуллари бўйича саҳна кўринишлари намойиш этилди. Шундан сўнг, ўғил-қизлар учун спортнинг карате, баскетбол ҳамда шахмат-шашка турлари бўйича мусобақалар ташкиллаштирилди. Беллашувларда фаол иштирок этиб, ғолиб бўлганларга медал ва эсдалик совгалари топширилди.

Тадбир доирасида ҳарбий қурол-аслаҳалар кўргазмаси ҳам ташкил этилиб, унда қатнашчилар ҳарбий қуроллардан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

**Н.ЧОРШАНБИЕВА,**
**туман Кенгаши депутати, 2-мактаб директори**



*Хушхабар*

# КОМЁБИҲО ЁРАТОН, ШОГИРДОН!

Чанде пештар дар шаҳри Тирмиз зинаи вилоятии озмуни фанҳо баргузор гардид. Дар қатори дигар фанҳо шогирдони мактабҳои тоҷикии вилоят низ аз фанни забон ва адабиёти тоҷик дар ин озмун иштирок намуданд.

Чун анъана дар озмуни мазкур шогирдони мактабҳои тоҷикии ноҳия дастболо гардиданд. Шогирди синфи 11-и мактаби таълими умумии рақами 67 Манижа Қудратова (устодаш Зилола Холиқова), шогирди мактаби рақами 12 Гулрухсор Сафарова (устодаш Дилором Назарова), ва шогирди мактаби рақами 7 Озода Мустафоқулова (устодаш Ситораи Азиз) сазовори ҷойҳои якуму дуввум ва саввум гардиданд ва ба озмуни ҷумҳуриявӣ роҳхат гирифтанд.

Мо ин шогирдони мактабҳои тоҷикии ноҳияро бо ин ғолибият муборакбод намуда, орзуи онро дорем, ки дар зинаи ҷумҳуриявӣ низ пирӯзиро ба даст хоҳанд овард.

Мухбири
худамон

*Этимологияи макон*

# ХОНҶИЗА–ДИЁРИ ПУРАСРОР

Вақте мо Хонҷиза мегӯем, пеши назарамон пеш аз ҳама кӯҳҳои сар ба афлок ҷилвагар мешаванд. Ҳамин ки жарфтар (чуқуртар) назар созем, ин кӯҳҳо аз қаъри замин то ба баландтарин қуллаашон ҳама пур аз боигариҳои қимматбаҳост. Боигариҳоест, ки ба буҷаи Ҷумҳурии ҷоноҷонамон - Ӯзбекистон ҳиссаи арзандаи худро мегузорад. Он барои ободии диёрамон, барои некуаҳволии мардум дорои аҳамияти бузург аст. Зеро ин кӯҳҳо қабат-қабат пур аз металҳои ранга, рӯйи заминаш пур аз меваҷоти болаззат ва сабзавоти тару тозаю гиёҳҳои шифобахш қуллаи кӯҳҳояш саросар аз мармар, ҳавою обаш дармонбахши садҳо дардҳост. Ба қавле сифати ин диёри кӯҳсор ҳадду ҳисоб надорад, вале ин мавзӯъ худ як мақолаи алоҳида аст.

Мо ин ҷо шаммае аз таърихи ин диёри пурасрор, алалхусус дар бораи этимология, яъне пайдоиш ва маънои калимаи «Хонҷиза» маълумот доданием.

(Аз муаллиф)

Оиди маънои калимаи «Хонҷиза» дар байни мардум фикрҳои гуногун мавҷуд аст. Як гурӯҳ «Хондида», яъне диёре, ки хонҳо ва подшоҳонро дидааст, - гӯянд, гурӯҳи дигар маънои калимаи «Хонҷиза» аз дастархондор аст (халқе, ки меҳмон ва хайру эҳсонро дӯст медорад), -гӯён маънидод месозанд. Ин ду гуфтор низ, чун таърих ва таърифи халқ Хонҷизаро пеши назар оварем, ба ҳақиқат хеле наздик аст. Чунки ба Хонҷиза бисёр хонҳо, подшоҳон ва пешвоён қадам ранҷа кардаанд ва ҳамчунин мардуми Хонҷиза бо хайру эҳсон, дурандешӣ ва меҳмоннавозиаш ба атроф ном баровардааст.

Аз факту рақамҳои таърихӣ ва нақлу ривоятҳо бармеояд, ки аз замонҳои қадим боигариҳои зеризаминӣ, оби зулолу ҳавои мусаффо, меваҳои пуршаҳд, табиати зебо, гиёҳҳои давоии ин диёр, гӯшту шири фоидаовари чорвои ин макон диққати ҳокимони ҳар давру замонро ба худ ҷалб карда омадааст. Дар бораи ин воқеаҳои таърихӣ, факту далелҳои он агар имкон шавад, дар мақолаҳои минбаъда маълумот хоҳем дод.

Инак, чанд сухан оиди этимологияи илмии калимаи «Хонҷиза», сохт, таркиб ва маънои асосии онро пешкаши шумо менамоем.

Калимаи «Хонҷиза» аз ҷиҳати сохт калимаи мураккаб аст. Он аз ду ҳисса - ҳиссаи «Хон» ва ҷиз», инчунин ҳиссаи ёридиҳанда – пасчаспаки исми маконсози –а (чун дар калимаҳои маҳал -маҳалла) иборат мебошад.

Аслан калимаи «Хонҷиза» калимаи суғдист. Он дар шакли таърихиаш «Хондиж» ё «Хондиз» буда, аз ҳиссаҳои «хон» ва «диж» ё «диз» таркиб ёфтааст. Дар китоби «Гиёс-ул-луғот», инчунин китоби «Фарҳанги забони тоҷикӣ» калима ёки ҳиссаи «хон» ба сифати асоси феъли замони ҳозираи хондан омадааст. Калимаи «диж» ёки «диз» низ калимаи суғдӣ буда, маънои «қалъа»-ро дорад. Ин калима дар «Шоҳнома»-и Абулқосим Фирдавсӣ низ ба маънои «қалъа» чандин маротиба мавриди истифода қарор гирифтааст, мисли Дижи сапед, Гангдиж, дижбон ва ғайра.

Дар асоси баромади ин калимот чунин хулоса кардан мумкин аст, ки дар замони давлатдории суғдиён Хонҷиза мавҷуд будааст ва ин диёр дар замонҳои қадим истиқоматгоҳи суғдиён будааст. Ҳоло ҳам дар лаҳҷаи мардумони маҳал бисёр калимаҳои суғдӣ чун «вот», «вардӣ», «вароз», «яск» ваҳоказо мавриди истифода қарор доранд.

Акнун меоем ба сари мақсад. Барои аниқтар ва аз ҷиҳати илмӣ таҳлил кардани калимаи «Хонҷиза» рӯ меоварем ба китоби «Фарҳанги забони тоҷикӣ». Дар китоби номбурда (қисми дуввум, саҳифаи 490) калимаи «хон» чунин маънидод шудааст:

- Хон – аз асоси замони ҳозираи феъли хондан.

- Хон, якум, калимаи туркӣ, - подшоҳи муғул, Туркистон ва Осиёи Миёна; хони хонҳо, подшоҳи подшоҳон, шоҳаншоҳ; лақаби хони калони муғул.

- Хон, дуввум, ба чунин маънохо омадааст:

- Хона, даргоҳ, маскан.

Ба ором хуфта ту дар хони хеш,
Чӣ дидӣ, бигӯй, чӣ омад-т пеш?
Фирдавсӣ.

2. Сарой, корвонсарой, меҳмонхона.

Субҳ бидамид ва дари хон бикушоданд.
Авфӣ.

3. Ибодатгоҳ, маъбат.

Ҳама кори ӯро ба андом кард.
Пасаш Хони Гуштоспӣ ном кард.
Фирдавсӣ.

Инчунин бо маъниҳои хони дил –Хонаи Каъба, хону мон –хонаву ҷой низ омадааст.

- Хон, саввум – дастархон, суфра, моида.

Баъд аз таом аз рӯи хон биринҷ мечиду меҳӯрд.
Садри Зиё.

Ҳамчунин, дар ашъори гузаштагон иборахои хони алвон, хони яғмо, хон афкандан, хонро бардоштан, хон барорoстан, хон густурдан, хон кашидан, хон ниҳодан, хон хӯрдан, ба хон омадан барин иборахо бо мисолҳо дар китоби «Фарҳанги забони тоҷикӣ (қисми дуввум, саҳифаи 490) маънидод ва шарҳ дода шудаанд.

*(Давом дорад)*

**Умедулло ИСМОИЛОВ,**
**Аълочии маорифи халқ, омӯзгори мактаби таълими умумии рақами 85**

# АҲОАИГА ТИББИЙ САНИТАРИЯ ЁРДАМ КЎРСАТИАДИ



Муҳтарам Юртбошимиз 2020-йил 6-октябрда бўлиб ўтган видеоселекторда, таъкидлаганларидек, 2021-йил январ ойидан бошлаб соглиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, доирасида бирламчи тиббий санитария ёрдамини кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш касалликларини профилактика ва барвақт аниқлаш. Аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини ошириш, тиббий ходимларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, соглиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш мақсадида 2020-йил 20-октябрда ПФ-6099 ҳамда 2020 йил 10 ноябрда ПФ-6110 сонли ва 2020 йил 12 ноябрда 4887-сонли қарори асосида туман тиббиёт бирлашмасига қарашли №64-ҚОПда 2021 йил 11 январга қадар амалга оширилган ишлар, чора тадбирлар жумладан: ҚОП мудири А.Турсунмуродов бошчилигида бригада аъзолари шифокорлар 11 та, ўрта тиббиёт ходимилари 37 та иборат ходимлар томонидан ўтказилмоқда. Жами аҳоли сони 14727 та, хонадонлар сони 406 та, шундан тиббий кўрикдан ўтказилганлари 9204 та. Аниқланган ортиқча вазнга эга бўлганлар сони 1635 та, семизлик аниқланганлар сони 454 та, диабет касаллигига чалинганлар сони 54 та. Артериал гипертания касалиллиги борлар сони 7836 та, ногиронлар сони 86 та, болаликдан ногиронлиги борлар сони 19 та, қўлланилган тарозилар сони 6 та, пулсаксометр 11 та, планшет 1 та, чора-тадбир режа асосида давом эттирилмоқда.

**Дилором ҲАМЗАЕВА,**
**туман аҳолини соглом турмуш тарзини қўллаб-қуватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш бўлими мудири**

# ИМОМ-ХАТИБ—ҒОЛИБ

Фазлиддин Кароматов 1962 йилда тугилган. 1995 йилда Тошкент шаҳар "Имом Бухорий" номли Ислом институтини тамомлаган. Шу йиллар орасида Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг Фатво бўлимида ишлаб ҳамда мазкур институтда "Форс ва



фиқҳ" фанлари бўйича талабалар билан машғулотлар олиб борган.

Айни пайтда туман "Хожа Алоуддин Аттор" жомеъ масжидида имом хатиб вазифасида ишлаб келмоқда.

Фазлиддин Қарамоатов ҳозирда маҳалла раислари ва ҳудуддаги ХООБ профилактика инспекторлари билан биргаликда маслаҳат қилган ҳолда ёшларни тўгри йўлга бошлаб, уларнинг бугунги кунда хуруж қилинаётган турли оқимларнинг салбий оқибатларини яқиндан тушунтириб, муқаддас Ислом динимизнинг асл моҳият ва мақсадини тушунтириб келмоқда. Шу ҳаракатлар сабабли масжид ҳудудидаги маҳаллалардан деярли оқимларга қўшилиб кетганлар мавжуд эмас. Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ўз жонига қасд қилиш каби масалалар бўйича ҳам мактаб, коллежларда мазмунли суҳбатлар ўтказиб келинди.

Масжид ҳудудидаги маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган оилалар, ўз боқувчисини йўқотганлар, беморлар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларга имкон қадар, моддий ва маънавий кўмаклар бериб келинмоқда. Жумладан, 2020 йил халқимиз Пандимея даврини бошидан ўтказганлиги сабабли хонадонларда қолиб, қийналган оилаларга Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан "Саховат ва кўмак умумхалқ" дастури ижросини таъминлаш мақсадида 4 миллион сўмга яқин саккиз турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Ушбу қилинган кўмак Сурхондарё Телевидениясида намойиш этилди. Шулар қаторида «Ҳулкар» маҳалласида яшовчи кам таъминланган оилага ичимлик сувидан қийналганлиги сабаб, ҳовлисида 4 миллион сўмлик сув ҳавзаси қуриб берилди. Айни шу маҳалладан бир хонадон ёнгин туфайли уй-рўзгор анжомлари ёниб кетганлиги сабабли уларга кўрпа тўшак, уй-рўзгор буюмлари ва 700 минг сўм моддий ёрдам берилди. «Жаннатмакон» маҳалласида яшовчи ёлгиз аёл ва болаларига, шунингдек, боқувчисини йўқотган болалар учун 2 миллион сўмдан зиёд кийим-кечак олиб берилди.

Муҳтарам Президентимиз томонидан Сурхондарё вилоятида "Имом Термизий" Халқаро маркази очилишига топшириқлари асосида Термиз шаҳрида "Имом Термизий" ҳалқаро марказ очилиши муносабати билан мазкур марказ ходимларининг таклифлари бўйича "Абу бакр Муҳаммад ибн Умар ал-Варроқ ат-Термизий" *(раҳимаҳуллоҳ)* нинг ҳаёт ва фаолиятларини форс тилидан таржима қилинди, шунингдек, мазкур марказда имом хатибларнинг малакаларини ошириш мақсадида очилган ўқув марказида "Замонавий фиқҳий академиялар ва фатволар" мавзуси тўгрисида Қашқадарё ва Сурхондарё имом хатибларига дарс бериб келмоқдалар.

Масжид имом- хатиби Фазлиддин Кароматовнинг саъй-ҳаракати билан масжид ҳисобидаги ер майдонидан 2017-2018 йилларда ҳашар йўли билан замонавий масжид маъмурият биноси қуриб битказилган эди.. Мазкур бинода маъмурият хоналари, никоҳ хонаси, ходимлар хонаси, маҳалла аёл-қизларини иш билан таъминлаш мақсадида 15-20 кишига мулжалланган тикувчилик цехи, маҳалла аҳли учун озиқ-овқат савдо дўкони очилиб, фойдаланишга топширилди.

2018-2020 йиллардада масжид ҳудудида жойлашган маҳаллалар аҳлидан қилинган мурожаатлар, сўралган масалалар ва ўтказилган турли тадбирларнинг жами 1500дан ортиқ, бир нечта оилавий, диний ва дунёвий масалалар ҳал қилинди ҳамда ажралиш ҳолатида турган бир неча оилалар яраштирилди.

Фазлиддин Кароматов яшайдиган «Себзор» маҳалласида халқнинг эҳтиёжини эътиборга олиб, ўз маблаглари ҳисобидан озиқ-овқат дўкони ва нонвойхона қуриб фойдаланишга топширилди ва шу сабабли учта оила иш билан таъминланди. Нонвойхонанинг очилиш вақти айнан Пандимея даврида тўгри келгани учун бошланишида уч қоп унни нон қилиб, бепул аҳолига тарқатилди.

Фазлиддин Кароматов яшайдиган қишлоқ аҳли ва ёшларига доимий равишда эътибор бериб, уларни тўгри йўлга бошлаб келишлари натижасида шу кунга қадар қишлоқда бирорта жиноят содир қилинмаган, гиёҳвандлик ва турли оқимларга қўшилиш ҳолатлари кузатилмаган.

Муҳтарам юртбошимизнинг ташаббуслари билан Шарғун шаҳрида ободонлаштириш ишлари бошланишига масжид ҳайъат аъзолари ҳам бефарқ қараб турмадилар. Қабристонни тозалаш ва ободонлаштриш ишларига шунингдек, ишчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида бир неча маротаба озиқ-овқат маҳсулотлари ёрдам берилган. Шаҳар ҳудудидаги хонадонларнинг кўча тарафидан 40 метр девор қуриб берилди.

Яна бир гап. Авф қилиниб озодликга чиққан фуқароларнинг ҳолидан хабар олиниб, улар билан доимий суҳбат олиб бориляпти. Имкон қадар моддий ва маънавий ёрдамлар бериб келинмоқда.

Бугунги кунда масжидда намозхонлар учун барча шароитлар яратиб берилган. Замонавий таҳоратхона қурилиб, иссиқ сув билан таъминланган.

2020 йилда Ўзбекистон Мусулмонлар идораси раҳбарияти томонидан ташкил этилган имом хатибларнинг иш фаолияти, илмий мақолалар, ижодий ишлар хусусан, "Рамазон ойлар султони" ва "Пандимеяга нисбатан ислом нигоҳи" рукнида берилган мақоларни сарҳисоб қилиш мақсадида ҲМИ га қарашли muslim.uz расмий сайтида танлов эълон қилинган.

Ушбу танловда Шарғун шаҳар "Хожа Алоуддин Аттор" жомеъ масжиди имом хатиби Фазлиддин Кароматов голиб деб топилиб, 1-ўрин мақоми берилди ва қимматбаҳо совга, яъни Ноутбук билан тақдирланди.

**Мақсадой БОБОАШУРОВА**

# УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИГА АСОС СОЛИНДИ

Бугунги кунда жаҳон Оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон ҳақида гапирганда «Янги Ўзбекистон» деган ибора бот-бот тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътиборидир. Юртбошимиз Ўзбекистон мустақиллигининг 29 йиллиги танталаналарида сўзлаган нутқида «...халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйгониш–учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда» деб эълон қилган эдилар.

Мен таълимнинг кекса бир вакили сифатида, айниқса, таълим соҳасида бундай дейишга асос бор, деб ҳисоблайман. Бугунги мактаб кечаги мактаб эмас, бугунги ўқитувчи кечаги ўқитувчи эмас. Ўқитувчи замон билан ҳамоҳанг қадам қўймас экан, у назардан четда қолади. Ўқувчининг назаридан қолади. Бу огир жазо.

Ўқитувчиларнинг касбий маҳорати баҳоланишига замин яратилди. Бунинг натижасида ўқитувчининг моддий манфаатдорлиги ошади, маънавий юксалишга интилади. Ўз фанининг юксак билимдони етук ўқувчиларни тарбиялайди.

Ахир, мамлакатимиз истиқболи, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги, биринчи навбатда, фарзандларимизнинг қандай инсон, қандай мутахассис бўлиб етишишига боглиқ. Маълумотларга қараганда мактаб ва мактабгача ёшдаги фарзандларимиз 10 миллиондан кўп. Фарзандларимиз тарбиясида асосий бўгин ҳисобланган мактабгача таълим тизимига охирги уч йилда мислсиз даражада эътибор қаратилди. Давлат мактабгача таълим ташкилоти билан биргаликда хусусий мактабгача таълим ташкилотлари фаолият юрита бошлади. Фақатгина Узун туманида охирги 2 йилда 13 та нодавлат мактабгача таълим ташкилоти қуриб, фойдаланишга топширилди. Мактабгача таълим ташкилотлари «болаларни сақлаб қолувчи» муассасадан замонавий ўқитиш масканини, болаларни мактабга тайёрлаш ташкилотига айланди. Мактабгача таълим ташкилотларида замонавий педагогик технология ва ахборот коммуникацион технологиялар асосида ўқитиш йўлга қўйилди.

Ҳозир мактабгача таълим ташкилотидан 1-синфга келаётган болалар 25-30 та шеърни ёддан айтадиган, овозларни танийдиган болалар келмоқда. Яқин ўн йилликда 1-синф охирига бориб болалар бу даражага етар эди.

Тумандаги 2-МТТ тарбияланувчилари ҳар бири 8-10 тадан шеърни инглиз тилида ёддан айтишади. Узун туманидаги нодавлат МТТ да рус тили, инглиз тили, корейс ва хитой тилларини болалар мароқ билан ўрганмоқдалар.

Мактабларимиз бугунги кунда жойлардаги энг обод масканга айланмоқда. Вилоятимиздаги 451 та мактаб кенг полосали интернет тармогига уланган бўлиб, ёшларимиз фан сир-асрорларини чуқур ўрганиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Термиз шаҳридаги 1-ФМИ, Денов туманидаги 2-ИМИ ўқувчилари халқаро математика олимпиадасида жаҳондаги тенгдошлари билан баҳс олиб бориб, совриндор бўлиб қайтишди. Австралия ҳукумати томонидан ўтказилган «Кенгуру» олимпиадасида Термиз шаҳрида 13-мактаб ва Сариосиё туманидаги 1-ихтисослашган мактаб ўқувчилари голиб чиқишди. Мактабларимиз интернет тармогига уланганлиги ёшларимизга ўз билим ва маҳоратини намойиш этиш имконини бермоқда. Фақатгина 2018-2020 йилларда сариосиёлик 126 нафар ўқувчи турли халқаро олимпиадада қатнашиб, голиб совриндор бўлишди.

Таълим тизими ташкилотлари яқин йилларгача давом этган катта муаммо–ободонлаштириш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва йигиштириб олиш ишларига ўқувчи-талабалар, мураббий ўқитувчиларини жалб қилиши ушбу ташкилотларда таълим жараёнини ҳар йили 3-4 ой тўхтатишга олиб келарди. Натижада ўқув дастурларини ярми ўқитилмай қоларди. Тўгарак ва қўшимча индивидуал ишлаш имкони йўқ эди. Республика халқ таълими вазирлигининг таълим жараёнига АКТларни кенг жорий этиш, ҳар бир ўқувчи замонавий технологияларни мустақил ўрганишини рагбатлантириш мақсадида «Бир миллион ўзбек дастурчи» танловига 2020 йилда старт берган эди. Бугунги кунда вилоятдан 646 нафар ўқувчи-ўқитувчи 1 тадан 4 тагача сертификат эгаси бўлишди.

Бойсун туманидаги 13-мактаб 10-синф ўқувчиси Элшодбек «КУРСЕРА» платформада қатнашиб, 7 та сертификат олишга муяссар бўлиб, Ватанимизда қад ростлаётган IT parkларнинг дастурчисига айланди.

Таълимда рақобатни кучайтириш соҳа ривожига имкон беради. Давлат мактаблари билан бир қаторда хусусий мактаблар давлат таълим стандартлари асосида таълим бера бошламоқда. Охирги уч йилда хусусий мактаблар сони республикамизда уч марта ошиб, 140 тага етди.

Президент ва ижод мактаблари салмоги ошмоқда. Бу эса ўқувчи ёшларимизнинг халқаро миқёсда эришаётган ютуқлари Ватанимизнинг эртанги кунига муносиб кадрлар келаётганига ишонч тугдиради.

**Б.МИРЗАЕВ,**
**Тумандаги 1-сонли АФЧЎИМ директори, профессор, Халқ таълими аълочиси**

# АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ—ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўгрисида"ги қарори қабул қилинган.

Аҳолини рўйхатга олиш бутун Ўзбекистон ёки муайян ҳудудлар бўйича ўтказилиб, демографик сана ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий характеристикасини аниқлашга қаратилган шахсий маьлумотларни йигиш ва уларни қайта ишлаш тартибларини белгилайди.

Ҳужжатга кўра, рўйхатга олишнинг асосий мақсади – Ўзбекистонда аҳоли таркибининг ҳолати ва ривожланиш динамикаси ҳақида мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларни белгилаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ишончли ва холис ахборотни олишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дастлабки аҳолини рўйхатга олиш 1897 йилда ўтказилган бўлиб, аҳоли сони 3,9 млн нафарни ташкил этган.

-1939 йил 6,3 млн
-1959 йил 8,1 млн
-1970 йил 11,8 млн
-1979 йил 15,4 млн
-1989 йил 19,8 млн нафарни ташкил этган.

**О.И.ҚОСИМОВ,**
**туман статистика бўлими бош мутахассиси**

# Besh tashabbus—yoshlarimizning ertangi kuni istiqbolidir

Yoshlar festivaliga start berildi. Joriy yilning 24-dekabr kuni Surxondaryo viloyati Termiz shahrida "Yangi O'zbekistonni Yoshlar bilan quramiz" shoiri ostida "Yoshlar festivali" viloyat bosqichi o'tkazildi. Festivalda barcha tumanlardan iqtidorli yoshlar ishtirok etishdi. Bayram dasturini Yoshlar ishlari agentligi Surxondaryo viloyat boshqarmasi rahbari Shezod Olimov ochib berdi. Yoshlar festivali doirasida har bir tumandan iqtidorli yoshlar taqdirlandi. Shu o'rinda Sariosiyo tumanidagi 66-sonli ixtisoslashtirilgan sanatoriy turidagi Davlat ta'lim muassasasining 3-V sinf o'quvchisi, ikkinchi guruh nogironi Sharipova Zuhra Rahmatullo qizi ham ushbu festivalda Viloyat hokimi To'ra Bobolov tomonidan besh million so'm pul mukofoti bilan taqdirlandi.

Ta'kidlab o'tish kerakki, Sharipova Zuhra Rahmatullo qizi 2019-yilda rassomchilik yo'nalishi bo'yicha «Etirof 2019»da 1-o'rinni egallagan edi.

Muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan ilgari surilayotgan 5 ta muhim tashabbus yoshlarimizni iste'dodini yuzaga chiqarish, qo'llab - quvvatlash hamda O'zbekiston kelajagini istiqbolli yoshlar bilan birgalikda barpo etishning asosiy tamoyiliga aylanib ulgurdi.

**Muxabbat Xujayeva**
**jamoatchi muxbir**

# «ЖАМОАТЧИЛИК ААЗОРАТИ»

## *у ҳақида нималарни биламиз?*

Жамоатчилик назоратининг мавжудлиги демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг муҳум шарти ҳисоблалади. Айнан жамоатчилик назорати орқали ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий муаммолар кун тартибига олиб чиқилади ва ҳал этиб бориладиi. Шунингдек, жамоатчилик назорати институти давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидагив самарали ҳамкорликни ташкил этишнинг муҳим воситаси саналади.

Ўзбекистон юридик энциклопеедия жамоатчилик назоратига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда нодавлат ташкилотларфаолияти устидан фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти нингбошқа итузилмалари (институтлари), шунингдек, давлат ва нодавлат органлари таркибида тузилган жамоатчилик органлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назорат сифатида таъриф берилган.

Жамоатчилик назоратининг бошқа назорат турларидан асосий фарқи шундаки, унинг объекти – давлат органлари фаолиятидир.

Шунингдек, жамоатчиликназорати, одатда,профессионал, тизимли, махсус малака талаб қилинадиган, ихтисослашган назорат ҳисобланмайди. Ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этувчи жамоатчилик назорати бошқа назорат турларидан ўзининг субъектлари билан фарқланади.

Пандемия даври бўлишига қарамасдан жамиятга келиб тушаётган барча мурожаатлар ўз вақтида ўрганиб чиқилиб, мурожаатлар ижобий ҳал қилинмоқда.

**М.ЎЛМАСОВ,**
**туман Истеъмолчиларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш Матбуот ва Ахборот мутахассиси**



**26-сонли мактабгача таълим ташкилотида 14 январь «Ватан ҳимоячилари куни»га бағишлаб «Мен ҳам аскар бўламан» шиори остида тадбир ўтказилди.**

**Дастлаб, МТТ директори Ф.Бобокалонова сўзга чиқиб, болажонларни байрам билан табриклади.**

**Мусиқа раҳбари О.Хаитова ва педагог ходимлари К.Ёрматова, М.Мансурова, Р.Махмудова, Қ.Суробова, Р.Алижонова, С.Эшмуродова, М.Сафаровалар билан ҳамкорликда тарбияланувчилар турли саҳна ва куй-қўшиқлар ижро этишди. Болажонлар МТТ томонидан эсдалик совғалар билан тақдирландилар.**

**Матн ва сурат муаллифи: Ж.ТОҒАЕВ**

*Марҳум Мингашаров Ахмед Ражабович номида бўлган Шарғун шаҳар, Кончилар маҳалласи, А.Жомий кўчасидаги 47-уйининг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

*1993 йил 03 январда туғилган фуқаро Ғаффоров Ойбек Рустамович номига 2018 йилда берилган «В» тоифали АА серияли 0317288 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

*1963 йил 02 ноябрда туғилган фуқаро Кобилов Рустам Гаппарович номига 2013 йил 01 июлда берилган «В» тоифали АС серияли 461873 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳамда 2005 йилда ишлаб чиқарилган, «Нексия» русумли 75Х343ЕА (оқ рангли) ААС серияли, 4859076 рақамли қайд этиш гувоҳномаси (техпаспорт) йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

*1963 йил 27 апрелда туғилган фуқаро Вохидов Акмалжон Абдураҳимович номига 2014 йил 20 августда берилган «В» тоифали АС серияли 679331 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳамда O'zR серияли 2871331 рақамли огоҳлантириш талони йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

*Сариосиё Педагогика коллежини 2019 йилда битирганлиги тўғрисида Истамова Хумора Ҳазратқул қизи номига берилган К №0362638 рақамли имтиёзли диплом йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

*Исмаилов Шухрат Иззатуллаевич номида бўлган «Нексиа» русумли (1997 йилда ишлаб чиқарилган, двигател рақами 607836, кузов рақами 016518, давлат рақам белгиси 75J357KA) бўлган автоуловга 2018 йилда берилган қайд этиш гувоҳномаси (техпаспорт) йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

*Шарғун қурилиш касб-ҳунар коллежини «Ер ости конларидан фойдали қазилмаларни қазиб олиш технологияси ва жиҳозлари» йўналиши бўйича 2013 йилда битирганлиги тўғрисида Хуррамов Шермуҳаммад Баҳриддин ўғли номига берилган К №3030169 рақамли диплом йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

*«Шаҳриобод» маҳалласи, «Ҳурватан» қишлогида яшовчи фуқаро Холиқов Абдужалол Жабборовичнинг номида бўлган уй-жой кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

*1991 йил 29 сентябрда туғилган фуқаро Саъдуллоев Олим Саъдуллоевич номига 2019 йил 15 июлда берилган «В» тоифали AF серияли 0891943 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

*Сариосиё тумани «Ниҳолзор» маҳалласида жойлашган Якка тартибдаги тадбиркор Холмуродова Мавжудахон Фурқат қизига тегишли бўлган бино, иншоот ва ер участкасини кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

*«Бойсунобод» маҳалласида яшовчи 20 июл 1950 йилда туғилган Садикова Руҳияга тегишли бўлган уй-жой кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

*1978 йил 13 апрелда туғилган фуқаро Холиқов Ибрагимжон Тошмуродовичга 2017 йил 14 январда берилган «В» тоифали, O'zR серияли 3768363 рақамли бўлган огоҳлантириш талони йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

*1992 йил 4 июнда туғилган фуқаро Каримов Сирожиддин Мирзохамро ўғли номига 2015 йил 18 мартда берилган «В» тоифали, O'zR серияли 3025561 рақамли бўлган огоҳлантириш талони йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

*Сариосиё Тиббиёт коллежини 2017 йилда битирганлиги тўғрисида Зиёдуллаева Шахло Неъматулло қизи номига берилган К №4748257 рақамли диплом ва диплом иловасини йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

*Узун туманидаги «MUHAMMAD ALI LOLA» (СТИР:303591728) хусусий корхонасининг тўртбурчак тамғаси йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

*Узун туманидаги «SARDOR-UMID-YUSUF» (301527552) хусусий корхонасининг думалоқ мухри ва тўртбурчак тамғаси йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

*«DALER-FAYZ-DAVR» фермер хўжалигининг (СТИР:303914569) тўртбурчак тамғаси йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

*43-сонли умумий ўрта таълим мактабининг 9-синфини 2010 йилда битирганлиги тўғрисида Меликбобоева Дилдора Атабулло қизи номига берилган U №4478666 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

*Узун туманидаги «SOHIBZODA FIRDAVSI» (СТИР:307335653) оилавий корхонасининг думалоқ мухри ва тўртбурчак тамғаси йўқолганлиги **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

*MUASSIS:*
*Xalq deputatlari Sariosiyo tuman Kengashi va tuman hokimligi*

*Gazeta O`zbekiston Respublikasi Matbuot va Axborot Agentligi Surxondaryo viloyat hududiy boshqarmasi tomonidan 2012 yil 31 iyulda № 11-053 raqam bilan ro`yxatga olingan.*

*BOSH MUHARRIR:*
*Rahmonov Abduraim Karimovich*
*Tel: (+99890) 908-39-99*
*Tahririyat manzili: Sariosiyo shaharchasi, Matbuotchilar ko`chasi 7-uy.*
*E-Mail: Sariosiyo@umail.uz*
*Telegramm manzil: @sariosiyo_uz*

*Gazeta «SARIOSIYO» tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi.*
*Mas`ul kotib: Soleh RAJABOV*
*Navbatchi: Surayyo RAHMONOVA*
*Gazeta sahifalovchisi va dizayner Nodirbek DAVLATOV*

*Gazeta «Surxon tongi» va «Заря Сурхана» gazetalari tahririyati bosmaxonasida A-2 hajmda 2 bosma taboqda 5006 nusxada chop etildi. Buyurtma № ______*
*Topshirish vaqti 18[00], topshirildi 18[00]da.*
*Bosmaxona manzili: Termiz shahri, Shukrona ko`chasi, 21-A uy.*

*Tahririyatga kelgan qo`lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan`farqlanishi mumkin.*